

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**
**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ -ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МУФТУЛЛАЕВА МАРЗИЯ БЕГДУЛЛАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЕНТОНИТИДАН ОЛИНГАН
НАНОЗАРРАЧАЛИ МОНТМОРИЛЛОНИТ АСОСИДА ЭЛАСТОМЕР
КОМПОЗИЦИЯЛАР ВА РЕЗИНА-ТЕХНИКА БУЮМЛАРИНИ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЯРАТИШ**

**02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
02.00.13-Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Муфтуллаева Марзия Бегдуллаевна

Қороқалпоғистон бентонитидан олинган нанозаррачали монтмориллонит асосида эластомер композициялар ва резина-техника буюмларини олиш технологияларини яратиш.....3

Муфтуллаева Марзия Бегдуллаевна

Разработка технологий получения эластомерных композиций и резинотехнических изделий на основе добавления наночастиц монтмориллонита из бентонита Каракалпакстана.....21

Muftullaeva Marziya Begdullaevna

Development of technologies for obtaining elastomeric compositions and industrial rubber products based on the addition of montmorillonite nanoparticles from bentonite of Karakalpakstan.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List published works.....42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ -ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МУФТУЛЛАЕВА МАРЗИЯ БЕГДУЛЛАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЕНТОНИТИДАН ОЛИНГАН
НАНОЗАРРАЧАЛИ МОНТМОРИЛЛОНИТ АСОСИДА ЭЛАСТОМЕР
КОМПОЗИЦИЯЛАР ВА РЕЗИНА-ТЕХНИКА БУЮМЛАРИНИ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЯРАТИШ**

**02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
02.00.13-Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Г1403 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (ik.kimyo.nuu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Ибадуллаев Аҳмаджон Собирович
техника фанлари доктори, профессор

Искендеров Аҳмед Максетбаевич
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Юнусов Мирджалил Юсупович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Аминов Шухрат Сиддиқович
техника фанлари номзоди
И.Каримов номидаги Тошкент давлат
техника университети

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти хузуридаги DSc. 03/30.12.2019.Т.04.01 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «24» 11 соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (20 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати 2021 йил «11» 11 куни тарқатилган.
(2021 йил «11» 11 даги № _____ рақамли реестр баённомаси).



С.М.Туробжонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.И. Қодиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қоғиби, т.ф.д., профессор

Г.Раҳмонбердиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қоғидаги илмий семинар
раиси, к.ф.д. профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунёда композицион эластомер материаллар ва улар асосида олинувчи буюмларни технологик, физик-механик, динамик ва махсус хоссаларини яхшилаш ва хажмини ошириб тан нархини камайтириш учун минерал тўлдиргичлар қўлланилиб келинмоқда. Шу билан бирга юқори молекулали бирикмалар асосидаги композицияларни технологик хоссаларини яхшиловчи, улар асосида олинадиган буюмларни физик-механик, динамик ва махсус хоссаларини олдиндан берилган талаб асосида структурасини шакллантирувчи минерал тўлдиргичлар яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда юқори молекулали бирикмалар асосидаги композицион материалларни олиш учун табиий ва синтетик ингредиентларни яратиш ва уларни олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, композициялар таркибига кирувчи ингредиентларни модификация қилиш ва ҳар хил шароитларда ишлатилувчи олдиндан берилган талаблар асосида юқори мустаҳкамликка эга бўлган, агрессив муҳитга ва ишқаланишга чидамли буюмлар ишлаб чиқиш, уларнинг олиш усулларини ва улар асосида композиция таркиби ва технологияларини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда охириги йилларда кимё, автомобил, металлургия, қурилиш материаллари ва озиқ-овқат саноатларини ва қишлоқ хўжалик техникаларини органик нометал махсулот ва буюмлар билан таъминлаш мақсадида Шўртан газ кимё мажмуасида полиэтилен ишлаб чиқариш, «Uz-Kor Gas Chemical» полипропилен ишлаб чиқариш, ООО «Биринчи резинотехника заводи» қўшма корхоналарининг ишга туширилиши, ишлаб чиқариш махсулотларини қўпайтириш, технологик жараённи такомиллаштириш, ишлаб чиқарилаётган махсулотлар сифати ва миқдорини ошириш, хомашёни янги захираларини яратиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслардан импорт ўрнини босувчи махсулотлар олиш технологияларини яратиш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада Қорақалпоғистон бентонити тупроғидан монтморол-линонитни ажратиш олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва уни қўшиб органик материаллар асосидаги композициялар ва буюмлар таркиби ва олиш технологияларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 февралдаги ПФ-2298-сон «Буюм ва материалларни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2017 йил 6 апрелдаги ПФ-4891-сон «Товарлар (ишлар,

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон фармони

хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2916-сон «2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Юқори молекулали бирикмалар асосидаги композициялар ва улар учун минерал тўлдиргичлар олиш технологияларини яратиш бўйича Г.С.Кац, Дж.Краус, А.А.Донцов, Б.А.Догодкин, А.А.Берлин, Ф.Ф.Кошелев, А.Е.Корнев, А.М.Буканов, М.Л.Уральский, Б.Е.Гуль, Ю.С.Липатов, А.М.Смирнова, Ю.С.Зуев, В.М.Гончаров, П.В.Ракова, Л.Б.Коварская, А.Г.Шварц, Г.А.Сорокин, Н.Д.Захаров, Г.А.Блох, Д.Н.Мак-Келви, С.С.Негматов, А.Х.Юсупбеков, А.С.Ибадуллаев, Э.У.Тешабаева ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб боришган.

Улар томонидан органик материаллар асосидаги композициялар учун вулконловчи, юмшатовчи, фаолловчи, химояловчи, тўлдирувчи ингредиентлар, уларнинг модификация қилинган ҳолати ва уларни қўллаб юқори мустаҳкамликка эга бўлган ҳар хил шароитларда ишлатилувчи армиранган ва армиранмаган буюмлар олиш композициялар таркиби ва технологиялари жорий этилган.

Шу билан бирга органик материаллар асосидаги композициялар учун органик ва ноорганик тўлдиргичларнинг янги авлодини яратиш, олиш технологияларини ишлаб чиқиш, улар асосида кимё, автомобил, авиация, текстил, металлургия, озиқ-овқат саноатларида ишлатилувчи композициялар таркиби ва маҳсус хоссага эга бўлган армиранган ва армиранмаган буюмлар олиш усуллари ишлаб чиқиш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Қароқолпоқистон филиали ва Тошкент кимё-технология институти илмий тадқиқот ишлари режасининг А-12-41 «Энергия ва ресурсни тежашни таъминловчи маҳаллий ва иккиламчи хомашё ресурслари асосида иссиқликка ва коррозияга чидамли бўлган композицион материаллар олиш таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.), А-12-37 «Композицион эластомер материаллардан иккиламчи материаллар ва маҳсус хусусиятга эга бўлган резина-техник маҳсулотлар ҳамда улар асосида кабел олиш таркиби ва

технологиясини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) ҳамда ПЗ-201709286 «Маҳаллий хом-ашёлар асосида эластомерларни вулканловчи тезлаштиргичларни ва улар асосида эластомер композицияларини олиш технологияларини яратиш» (2018-2020 йй.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон бентонити тупроғидан монтмориллонитни ажратиб олиш технологиясини ва уни қўллаб эластомер композициялар ва ҳар хил шароитларда ишлатилувчи буюмлар таркиби ва олиш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

органик материаллар таркибига монтмориллонитни қўшиб ҳар хил шароитларда ишлатилувчи композицион материаллар таркибини тузиш;

Қорақалпоғистон бентонити тупроғи таркибидан монтмориллонитни ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

Қорақалпоғистон монтмориллонитининг кимёвий, физик-кимёвий, адсорбцион хоссалари ва структурасини тадқиқ қилиш;

монтмориллонитни эластомерлар асосида тузилган композициянинг пласто-эластик, реологик ва технологик хоссаларига таъсирини аниқлаш;

монтмориллонитни юқори молекулали бирикмалар асосида тузилган композициянинг гистерезис, физик-механик, динамик, махсус ва эксплуатацион хоссаларига таъсирини аниқлаш;

монтмориллонитни қўшиб эластомерлар асосида ҳар-хил шароитларда ишлатилувчи армиранган ва армиранмаган композиция ва буюмлар олиш таркиби ва технологияларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистон бентонити, юқори молекулали бирикмалар асосида олинган композициялар олинган.

Тадқиқотнинг предмети юқори молекулали бирикмалар асосидаги композицион материаллардан олинган армиранган ва армиранмаган буюмлар ва уларни олиш технологиялари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида физик-кимёвий, юқори молекулали бирикмалар асосидаги композициялар учун стандартлаштирилган физик-механик, кинематик, динамик ва экспериментларни режалаштириш ҳамда математик статистика усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон бентонити ва ундан ажратиб олинган монтмориллонитни кимёвий, физик-кимёвий, адсорбцион хоссалари ва структураси аниқланган;

Қорақалпоғистон бентонити таркибидан монтмориллонитни ажратиб олиш технологик жараёни ишлаб чиқилган;

монтмориллонитни қўшиб органик материаллар асосида ҳар хил шароитларда ишлатилувчи композициялар таркиби ишлаб чиқилган;

композициянинг пласто-эластик, реологик ва технологик, гистерезис, физик-механик, динамик, махсус ва эксплуатацион хоссаларига

монтмориллонит миқдори, физик-кимёвий хоссалари ва структурасининг таъсири аниқланган;

олинган монтмориллонитни қўшиб ҳар-хил шароитларда ишлатилувчи армирланган ва армирланмаган эластомер композиция ва буюмлар олиш таркиби ва технологиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон бентонити таркибидан монтмориллонитни ажратиб олиш технологик жараёни ишлаб чиқилган;

монтмориллонитни қўшиб органик материаллар асосида ҳар хил шароитларда ишлатилувчи композициялар таркиби ишлаб чиқилган;

монтмориллонитни қўшиб ҳар-хил шароитларда ишлатилувчи армирланган ва армирланмаган эластомер композициялар ва буюмлар олиш таркиби ва технологиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқоти кимёвий, физик-кимёвий, технологик, физик-механик, техник ва стенд усуллари қўлланилганлиги, йириклаштирилган ва тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланганлиги, ҳамда яратилган тўлдиргични қўллаб композицион полимер материаллар ва улар асосида ҳар хил шароитларда ишлатилувчи армирланган ва армирланмаган буюмлар ишлаб чиқариш таркиблари ва технологиялари яратилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қорақалпоғистон бентонити таркибидан монтмориллонитни ажратиб олиш ва уни қўллаб мақсадли органик композицион материаллар ва берилган структура ва хусусиятларга эга бўлган армирланган ва армирланмаган буюмлар олиш таркиби ва технологиясини илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти монтмориллонитни қўллаб, рақобатбардош мақсадли эластомерлар асосида композицион материаллар ва берилган структура ва хусусиятларга эга бўлган армирланган ва армирланмаган буюмлар олиш таркиби ва технологияларини ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Қорақалпоғистон монтмориллонити ва уни қўллаб юқори молекулали бирикмалар асосида композицион материаллар олиш технологиясини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Қорақалпоғистон бентонити тупроғи таркибидан монтмориллонитни ажратиб олиш технологик жараёни «Ўзкимёсаноат» АЖнинг «2022-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киртилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2021 йил 27 мартдаги 23-3-1172-сон маълумотномаси). Натижада, композицион эластомер ва полимер материаллар таркибига қўшилувчи минерал тўлдиргичлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш имконини берган;

монтмориллонитни қўллаб ҳар хил шароитларда ишлатилувчи қолипланувчи ва қолипланмайдиган резина-техника-текстил буюмлари олиш

технологиялари «Ўзкимёсаноат» АЖнинг «2022-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2021 йил 27 мартдаги 23-3-1172-сон маълумотномаси). Натижада, қолипланувчи ва қолипланмайдиган резина-техника-текстил буюмлари ишлаб чиқаришда ишлатилувчи минерал тўлдиргичларни маҳаллийлаштириш ва тан нархини 28% камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари маъруза кўринишида 8 халқаро ва 9 республика илмий-техник анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 25 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, Ўзбекистон Олий Аттестация Комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этилиши тавсия қилинган илмий нашрларда, 8 та мақола, шундан 6 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр қилинган. Халқаро ва Республика илмий-амалий анжуманларда 17 та маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Минерал хомашёлари, тозалаш технологиялари: хоссалари ва қўлланилиши**» деб номланган биринчи бобида ҳозирда мавжуд бўлган минерал хом-ашёларни тозалаш технологиялари, физик-кимёвий хоссалари ва улар асосида композицион полимер материаллар ва армиранган ва армиранмаган буюмларни олиш технологик жараёнининг ҳолати ва ривожланиши тенденциялари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Композицион эластомер материалларни ўрганиш усуллари ва объектларнинг физик-кимёвий хоссалари**» деб номланган иккинчи бобида эластомер композицияларни тайёрлаш учун танланган юқори молекулали бирикмалар ва ингредиентларни физик-кимёвий хоссалари. Улар асосида олинган композициянинг технологик, реологик, структуравий, физик-механик ва динамик хоссаларини ўрганиш усуллари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қорақалпоғистон бентонити тупроғи таркибидан**

нанозаррачали монтмориллонитни ажратиб олиш технологиясини ўрганиш ва яратиш» деб номланган учинчи бобида Қорақалпоғистон бентонитини физик-кимёвий хоссалари, структураси ва таркибидан монтмориллонитни ажратиб олиш усулини яратиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар ҳақида маълумот берилган. Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ, Тўрткўл, Хўджақўл, Қўшқанатов, Белтов, ва Қоратеренг конларининг бентонитли тупроғи ўрганилди. Олти кондан намуналар олинган ва ҳар бир намунанинг физик-кимёвий хоссалари уч марта текширилиб, ўртача қиймати олинган. Намуналарни электрон микроскоп, ДТА ва бошқа физик-кимёвий усуллар билан хоссалари ўрганилди (1-жадвал).


1-жадвал

Қорақалпоғистон бентонити тупроғининг кимёвий таркиби

№	Кўрсаткич -лар номи	Монтмориллонит конлари					
		Мўйноқ (МБ)	Тўрткўл (ТБ)	Хўджақўл (ХБ)	Қўшқанатов (ҚБ)	Белтов (ББ)	Қоратере нг (КБ)
1.	SiO ₂	50,50	64,96	50,04	50,0	52,2	56,2
2.	Al ₂ O ₃	17,00	12,70	16,76	13,5	15,7	16,8
3.	CaO	1,20	2,0	2,08	1,8	2,02	1,5
4.	Na ₂ O	5,06	0,28	2,48	1,8	2	3,02
5.	K ₂ O	0,27	0,13	1,22	1,03	1,10	0,3
6.	MgO	3,62	3,35	2,00	2,35	2,8	3,0
7.	Fe ₂ O ₃	3,56	1,26	6,04	2,00	2,04	3,0
8.	FeO	0,13	0,10	0,07	0,12	0,11	0,9
9.	TiO ₂	0,30	0,10	1,00	0,50	0,70	0,90
10.	CO ₂	1,68	0,20	0,60	0,40	0,55	0,65
11.	SO ₃	0,28	0,21	0,15	0,20	0,26	0,18
12.	H ₂ O ⁻	9,15	4,30	4,32	4,8	6,00	8,05
13.	H ₂ O	5,05	7,31	8,44	6,01	6,80	7,55
14.	Сувда эрув.тузлар	2,20	3,10	4,80	5,00	6,00	4,30

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, Қорақалпоғистоннинг бентонитли тупроғи, сувли суспензиянинг рН қиймати 7-9 га тенг, юза қисми ялтироқ қатламлар билан чегараланган. Унинг кимёвий таркиби бир нечта характерли хусусиятларга эга, SiO₂ ва Al₂O₃ орасидаги мол нисбати 4 дан 5 гача ўзгаради. Жадвалдан кўриниб турибдики, Қорақалпоғистоннинг деярли барча бентонит тупроғи конларида темир, кальций, натрий, магний, титан оксидлари ва сувда эрувчан туз мавжуд. Композицион эластомер материаллар ишлаб чиқаришда Қорақалпоғистон бентонитини ушбу ҳолатда ишлатиш мумкин эмас яъни ГОСТ талабларига жавоб бермайди. Уни ишлаб чиқариш жараёнига тавсия қилиш учун бойитиш ёки монтмориллонитни ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш зарур. Минерал ресурсларни бойитишнинг маълум бўлган технологик жараёнларини ўрганиш асосида биз Қорақалпоғистон бентонити тупроғидан монтмориллонитни ажратиб олиш

учун қўйидаги технологик жараёни ишлаб чиқдик, бу минералларнинг зичлигига асосланган (1-расм).



1,4,11-бункерлар, 2-қуритиш, 3-шарли майдалагич, 5-магнитли элак, 6-аралаштиргич, 7-таксумлагич, 8-вакуумли қуритгич, 9-насос, 10-диспергатор, 12-қопловчи машина.

1-расм. Қорақалпоғистон бентонит тупроғидан монтмориллонитни ажратиб олиш технологик жараёни.

Технологик жараёнда бентонит тупроғи доимий оғирликгача 105-120 °C хароратда қуритилади, қуритилган бентонит тупроғи зарраларини майдалаш учун тегирмонга юборилади (вакти 30 дақиқа), майдаланган бентонит тупроғи магнитли элакдан ўтказилиб, металл оксидларини ажратиб олинади, тозаланган бентонит тупроғидан монтмориллонитни ажратиш ва хар хил тузлардан ювиш учун 1:5 нисбатта сув билан аралаштиргичда 30 дақиқа 40 об/мин аралаштирилади ва биринчи ажратувчи воронкага юборилади ва у ерда 30 дақиқа давомида ҳаво билан қайнатилади ва тиндирилади, чўкиндилар зичлиги асосида ажратилади, аввало ажратувчи воронканинг пастки қисм-оғир чўкма карьерга юборилади, ажратувчи воронкадан ўрта қисми кейинги тозалаш учун иккинчи ажратувчи воронкага жўнатилади, суюқликнинг юқори қисми ажратувчи воронкадан карьерга юборилади, эритма таркибида сувда эрийдиган тузлар ва зичлиги 3 гача бўлган лойлар мавжуд, иккинчи ажратувчи воронкада қоришма 20 дақиқа давомида 1:10 нисбатда сув билан аралаштирилади, яна 30 дақиқа ҳаво билан қайнатилиб, 30 дақиқа давомида тиндирилади ва зичлик бўйича ажратилади, учинчи ажратувчи воронкада бентонит тупроғи 20 дақиқа 1:10 нисбатда сув билан аралаштирилади ва яна 30 дақиқа ҳаво билан қайнатилиб, 30 дақиқа давомида чўктирилади ва зичлиги бўйича ажратилади, ажратилган монтмориллонит вакуумли барабан қуритгичга ўтказилади, у ерда доимий оғирликгача қуритилади, қуритилган монтмориллонит диспергаторга охириги майдалаш учун юборилади, майдаланган монтмориллонит йиғувчи бункер ва қадоқлаш машинасига юборилади (2-жадвал).

2-жадвал

Бентонит тупроғидан монтмориллонитни ажратиш олиш технологик режими

№	Жараён номи	Давомийлиги, дақиқа	Ҳарорат, °С	Юклаш миқдори, кг	Сув ҳажми
1.	Бентонит тупроғини қуритиш	Доимий оғирликгача	105-120	500	-
2.	Бентонит тупроғини майдалаш	30 дақиқа	оддий	500	-
3.	Магнит элакда саралаш	доимий равишда	оддий	доимий равишда	-
4.	Биринчи босқич	60 дақиқа, 40 об/мин	оддий	500	1:5
5.	Иккинчи босқич	60 дақиқа, 40 об/мин	оддий	350	1:10
6.	Учинчи босқич	60 дақиқа, 40 об/мин	оддий	300	1:10
7.	Вакуум қуритгич	доимий оғирликгача	105-120 вакуум остида (-5)	250	-

Тавсия этилган технологик жараён асосида Қорақалпоғистон бентонити тупроғидан олинган монтмориллонитнинг кимёвий таркиби ўрганилди (3-жадвал)

SiO₂ ва Al₂O₃ таркибининг кўпайганлиги кўриниб турибди. Олинган монтмориллонитнинг электрон микроскопик тузилишини тадқиқотлар шуни кўрсатдики, уни заррачалари ялпоқ шаклли зич жойлашган ва тарқалган контурга, баъзи жойларда толали тўпламларга эга, шунингдек пластинка заррачаларини буриши натижасида ҳосил бўлган толали бурмалар мавжуд. Монтмориллонит зарралари шакллари, унинг кристалли тузилишининг хусусияти билан изоҳланади. Монтмориллонитнинг текислиги (0,001) гидроксил ионлари тармоғи билан қопланган бўлиб, улар кутбли молекулаларга нисбатан кучли қутубланиш таъсирини кўрсатади.

3-жадвал

Олинган монтмориллонитнинг кимёвий таркиби

№	Кўрсаткичлар номи	Монтмориллонит кони					
		Муйноқ (МБ)	Тўрткўл (ТБ)	Хўджақўл (ХБ)	Кушканатов (КБ)	Белтау (ББ)	Коратеренг (КБ)
1.	SiO ₂	70,10	75,83	66,22	67,0	67,47	69,24
2.	Al ₂ O ₃	29,04	23,57	32,92	31,14	30,97	29,84
3.	CaO	0,20	0,10	0,08	0,5	0,52	0,3
4.	Na ₂ O	0,06	0,08	0,68	0,3	0,51	0,02
5.	K ₂ O	0,07	0,03	0,02	0,03	0,13	0,30
6.	MgO	0,42	0,30	0,05	0,30	0,3	0,10
8.	FeO	0,13	0,10	0,02	0,10	0,11	0,2

Маълумки, бу гидроксиллар ҳам молекула ичидаги водород алоқаларни, ҳам молекулалараро водород алоқаларни ҳосил бўлишида иштирок этади. Бинобарин, тупроқнинг кристалл панжарасида ҳам эркин, ҳам ўз-ара боғлиқ гидроксил гуруҳлари мавжуд, бу гуруҳларнинг ҳолати одатда ИК-ютилиш

спектрлари ёрдамида аниқланади. Монтмориллонитнинг ИК-спектрларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, 3700-300 см⁻¹ худудида ютилиш чизиклари пайдо бўлиб, улар эркин гидроксилнинг максимал 3636 см⁻¹ бўлган тебранишларига мос келади ва молекула ичидаги водород боғланишлари билан максимал 3440 см⁻¹га боғланган. Сувсизланиш эгри чизиклари, ўз навбатида, сўрилган асосда жойлашган пакетлараро (адсорбцияланган) ва конституциявий (гидроксил) сувни чиқариб юбориш натижасида юзага келадиган иккита эндотермик таъсир билан тавсифланади. Адсорбцияланган сувни чиқариб юбориш 363-463 К ҳарорат оралиғида содир бўлади ва катион турига боғлиқ бўлади. Тадқиқотлар натижасида монтмориллонитнинг юқори даражада ривожланган ўзига хос геометрик сиртга эга эканлиги аниқланди, шу сабабли у ёғни ютишини кучайтиради (4-жадвал).

4-жадвал

Бентонит тупроғи ва монтмориллонитни турли конларини геометрик юзаси ва мойга нисбатан адсорбцион хоссалари

ММ		ТМ		ХМ		КМ		БМ		КМ	
Бент.	ММК	Бент.	ММК	Бент.	ММК	Бент.	ММК	Бент.	ММК	Бент.	ММК
Нисбий геометрик сирт, Суд., м ² /г											
29,1	36,2	29,1	35,4	28,3	4,1	27,1	34,0	28	31,0	33,5	33,8
Мой шимиши, мл/100 г											
Зигир мойи											
32,0	35,5	32,0	34,1	31,0	33,2	31,5	34,0	32,1	33,0	33,5	33,9
Вазелин мойи											
32,0	35,5	32,0	34,1	31,0	33,2	31,5	34,0	32,3	33,2	33,7	33,8
Дибутилфтолат											
38,2	46,1	38,2	44,2	35,6	39,6	33,2	40,2	32,2	33,1	33,6	33,7
Дибутилсебацинат											
36,4	45,2	36,4	43,0	34,3	39,2	32,9	40,2	32,1	32,0	33,3	33,6

Охирги кўрсаткич мойда ароматик углеводородлар миқдори кўпайиши билан сезиларли даражада пасаяди. Жадвалдан кўриниб турибдики, монтмориллонитни ривожланган ўзига хос нисбий геометрик сирт майдони, унинг заррачалари юқори майдалиги билан боғлиқ. Тўлдиргичиларнинг дисперслиги тўғрисида батавсил маълумотни уларнинг гистограммаларини таққослаш орқали олиш мумкин. Монтмориллонит зарраларининг эквивалент диаметри бўйича масса ва сонли тақсимотлар, натижаси асосида махсус ЭВМ дастурлари ёрдамида натижаларни қайта ишлаш билан ва ўн беш поғонали гистограммалар ёрдамида Molvern –SI 11800 мосламасида доимий дисперсияси билан суспензияларини н-гептан ичида кичик бурчакли лазер нурларини сочиш усули билан аниқланди.

Монтмориллонит заррачаларининг эквивалент диаметри (Д) бўйича масса ва сонли тарқалиш натижалари 5-жадвалда келтирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, монтмориллонит зарраларининг эквивалент диаметри бўйича сонли ва оғирлик бўйича тақсимланиши унимодал тақсимотни билдиради. Монтмориллонит зарраларини чўктириш тахлили шуни

кўрсатдики, уларнинг энг катта радиуси 5-10 микрон оралиғида. Монтмориллонитнинг намланиши ва структурасини ўзгаришини седиментация хажми усули ёрдамида ўрганилди.

5-жадвал

Монтмориллонит зарраларининг оғирлиги ва сонини эквивалент диаметри бўйича тарқалиши хусусиятлари

Номи	Дисперс мухит	Д _н , МКН	γ
ММ	н-гептан	94,0	1,0

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, монтмориллонит зарралари 3600 дақиқада чўкади, бу эхтимол, унинг структуравий тузилишига ва заррачаларинг майдалиги билан боғлиқ. Монтмориллонитнинг гептандаги аралашини аниқлаш ушбу усулда сув ва тўлдирувчи тизимларига нисбатан фарқи ўрганилди. Гептанда монтмориллонит аралашади ва 10 дақиқа давомида деярли доимий седиментация хажмини 31 % ташкил қилади.

Шундай қилиб, ишлаб чиқилган технология асосида майда заррачали ва юқори физик-кимёвий хусусиятларга эга монтмориллонит олиш мумкин. Шунга асосланиб, биз уни композицион эластомер материаллар ишлаб чиқаришда турли мақсадларда ишлатилувчи каучуклар учун майда заррачали минерал тўлдиргич сифатида ишлатишга қарор қилдик.

Диссертациянинг «**Нанозаррачали Қорақалпоғистон монтмориллонити билан тўлдирилган эластомер композицион материаллар ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш**» деб номланган тўртинчи бобида монтмориллонитни композицион эластомер материалларнинг технологик, физик-механик, динамик, махсус ва эксплуатацион хоссаларига таъсири ҳақида маълумотлар берилган.

Монтмориллонитни резина қоришмаларининг технологик хоссаларига таъсирини ўрганиш учун биз эластомерларнинг умумий (СКИ-3, СКМС-30АРКМ-15) ва махсус (СКН-18) мақсадларда ишлатилувчи стандарт таркибларини танладик. Стандарт таркибдан органик тўлдиргич теҳуглеродни чиқариб ташладик ва таққослаш учун АКТ-10 маркали Ангрен каолинини танладик. Тадқиқот натижасига кўра, физик-кимёвий кўрсаткичлар бўйича улар бир-бирига яқиндир (6-жадвал).

6-жадвал


Монтмориллонит ва АКТ-10 нинг қиёсий кимёвий таркиби

№	Кўрсаткичлар номи	Турткул кони	АКТ-10
1.	SiO ₂	75,83	52,62
2.	Al ₂ O ₃	23,57	44,81
3.	CaO	0,10	0,31
4.	Na ₂ O	0,08	-
5.	K ₂ O	0,03	-
6.	MgO	0,30	0,40
8.	FeO	0,10	-
9.	Fe ₂ O ₃	-	0,33
10.	TiO ₂	-	0,63

Шунга асосан ҳар хил турдаги каучукларни (СКМС-30АРКМ-15,СКН-18) нанозаррачали монтмориллонит билан аралаштириш жараёни ўрганилди ва АКТ-10 таққослаш учун олинди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, эластомерларни тўлдирувчилар билан аралаштириш жараёнида буралувчи момент ($M_{кр}$) тез ошади, камерани материаллар билан тўлдирилиши, қопқоқни туширишдан кейин максимал қийматга етади Шундан сўнг, аралашманинг каучук фазасига силжиш деформациялари таъсири натижасида $M_{кр}$ сезиларли даражада пасайишни бошлайди. СКМС-30АРКМ-15 каучуқини монтмориллонит ёки АКТ-10 барча тўлдирувчи таркибида (100 масс.қ каучуқга 10 дан 60 масс.қ. гача) билан аралаштириш жараёнида $M_{кр}$ даги кинетик ўзгаришлардан максимал даражага эришиш билан $M_{кр}$ нинг кескин ўсишига олиб келади, монтмориллонит ҳолатида эса бу қиймат бироз кечикиш билан эришилади. Шубҳасиз, бу монтмориллонитнинг заррачаларининг майдалигига боғлиқ бўлиб, бу $M_{кр}$ ва ҳароратнинг камроқ ошишига олиб келади. Аралаштириш вақтининг янада ошиши $M_{кр}$ нинг пасайишига олиб келади, бу эса силжиш кучи таъсирида, каучук макромолекулаларини тўлдирувчи заррачалари билан аралаштириши ва ишлов берилаётган материалнинг ҳароратининг ошиши натижасида юзага келиши мумкин. Шу билан бирга, эластомерларни монтмориллонит билан аралаштирганда, АКТ-10 га қараганда яхши аралаштириши кузатилади. Буни $M_{кр}$ нинг нисбатан кичик тебраниш амплитудалари тасдиқлайди, бу эса ўз навбатида пластограммалардан ҳисоблаб чиқилган монтмориллонити билан тўлдирилган эластомер композицияларга ишлов бериш қобилияти (λ) ва пластиклиги (M_b / M_m) ошишига олиб келади. $M_{кр}$ нинг вақт ўтиши билан (15 минутгача) ўзгаришини акс эттирувчи олинган пластограммалар асосида резина қоришмаларининг энг муҳим жиҳатлари аниқланди (3-расм).

Монтмориллонитининг эластомерларга қўшилиши билан $M_{отн}$ ва $V_{пл}$ нинг қийматларини ўсиши кузатилмоқда. Бунда $M_{отн}$ ва $V_{пл}$ нинг қиймати тўлдириш даражасига қараб ўзгариши, тўлдирувчи ва каучук орасидаги фазавий ўзгаришлар билан аниқланди. Масалан, $M_{отн}$ ва $V_{пл}$ 100 масс.қ. СКИ-3 каучуқига 40 масс.қ. гача тўлдиргич қўшилганда ошиб бориши кузатилди. Унинг миқдори янада ошиши билан би хилда ўзгариш юз беради, монтмориллонитда $V_{пл}$ даражаси АКТ-10 га қараганда юқори бўлиши кузатилди. СКН-18 каучуқига 30 масс.қ. қўшилганда $V_{пл}$ қиймати камайиш бошлайди. Композицияда $V_{пл}$ нинг экспоненциал ўзгариши бизнингча оптимал тўлдириш нуқтасига эришиши билан боғлиқ бўлиб, у каучук-тўлдирувчи чегарасининг тўлдирувчи томон ўтишидир.



СКМС-30 АРКМ-15(а); СКН-18 (б); ҚҚМ (- • -) ва АКТ-10 (-Δ-)

3-расм. Тўлдиргичлар миқдорининг резина қоришмаларини қайта ишланиш (λ) ва пластиклигига (M_6/M_M) таъсири

Резина қоришмаларининг пластик-эластик хусусиятларини баҳолаш учун пластиклиги (Р), Муни бўйича қовушқоқлиги (ML), Дефо бўйича қаттиқлиги (ЖД) ва эластик (ЭД) ўрганилади. Олинган маълумотларга асосланиб, монтмориллонит ёки АКТ-10 миқдорини резина қоришмаси таркибида 100 масс.қ. каучукга 40-50 масс.қ. гача қўшганда Р қийматлари мос равишда 5 ва 10% га камаяди. Р қийматларининг энг катта пасайиши тўлдирувчи миқдори > 50 масс.қ. ошгандан кейин кузатилади. Пластикликнинг пасайиши эластомернинг тўлдирувчи билан ўзаро таъсирига боғлиқ бўлиб, унинг қиймати каучук таркибига қўшилган тўлдиргичнинг миқдорига боғлиқ бўлади. Резина қоришмасини пластиклиги монтмориллонит ва АКТ-10 қўшилганда бир биридан кам фарқ қилади. Кўрсаткичларнинг бир оз фарқини монтмориллонитнинг морфологик ва структура тузилиш хусусиятлари билан изоҳлаш мумкин.

Тадқиқотлар асосида аниқландики, 30 масс.қ. тўлдирувчи 100 масс.қ. каучукга қўшганда ЖД бироз ўзгаради, шундан кейин қаттиқлиги ошади. СКМС-30АРКМ-15 ва СКН-18 каучуклари таркибига 80 масс.қ. монтмориллонит қўшилганда ЖД қиймати тўлдирилмаган композицияга нисбатан тўрт марта ошишига олиб келади. ЖД нинг ошиши резина аралашмаларида ЭД нинг пасайишига олиб келади ва бу тўлдирувчини миқдорига сезиларли даражада боғлиқ. Масалан, СКМС-30 АРКМ-15 ва СКН-18 каучуклари таркибига 40 масс.қ. монтмориллонит ва АКТ-10 қўшилганда, ЭД нинг пасайиши тўлдирилмаган эластомерга нисбатан 21 ва 22 %га мос равишда тенг.

Шундай қилиб, монтмориллонит билан тўлдирилган эластомерларнинг пластик-эластик хусусиятларини ўрганиш шуни кўрсатдики, у ҳар хил турдаги каучукларга қўшилганда технологик хоссалари бўйича ГОСТ талабларига тўлиқ жавоб беради. Монтмориллонит билан тўлдирилган эластомер композиция-ларнинг реологик хусусиятларини ўрганаётганда,

силжиш кучланиши (\tilde{U}) қанча паст бўлса, аралашманинг самарадор қувушқоклигига (η_0) таъсирининг шунчалик катта намоён бўлиши кўрсатилди (7-жадвал).

7-жадвал

Монтмориллонит билан тўлдирилган эластомерларнинг 373, $\tau=14,9 \cdot 10^5$ Па даги энергия активлик қийматлари (100 масс.қ. каучукга 40 масс.қ. тўлдиригич қўшилган

Эластомерларнинг номи	Тўлдирилмаган	Тўлдирилган активация қийматлари, кДж/моль					
		ММ	ТМ	ХМ	КМ	БМ	КМ
СКН-18	20,34	33,51	41,12	43,21	35,6	38,7	40,1
СКМС-30АРКМ-15	38,30	62,93	63,87	65,88	64,0	65,03	65,09

Каучук таркибида монтмориллонитни миқдорини ошириши деформациядан кейин резина аралашмасининг қайта тикланиши сезиларли даражада пасайиши аниқланди. Бундай ҳолда, тизимнинг эластик деформация энергиясини тўплаш қобилияти, яъни экструдатнинг шишиши (P_0), асосан монтмориллонитнинг узига хос геометрик юзасига ($S_{уд}$) боғлиқ эканлиги аниқланди. Масалан, каучукга 60 масс.қ. монтмориллонит қўшилганда, тўлдирилмаган каучукга нисбатан экструдатнинг (P_0) шишиши 545, 510 ва 250% га камаяди (СКН-18); мос равишда 360, 325 ва 310% (СКМС-30 АРКМ-15).

Тадқиқотлар давомида тўлдирилган резина аралашмаларини вулканлаш жараёни кинетикаси ҳам ўрганиб чиқилди, бунда аниқландики эластомер таркибига тўлдирувчининг киритилиши индукцион давр камайишига олиб келади, шу билан бирга резина аралашмаларининг тезда вулканланиб кетишга турғунлигини камайтиради. Вулканлаш жараёни кинетикасини ўрганиш шуни кўрсатдики, СКМС-30АРКМ-15 ва СКН-18 таркибига монтмориллонитнинг киритилиши ушбу кўрсаткичга сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Айниқса резина аралашмаларини монтмориллонитлар билан тўлдиришнинг юқори босқичларида (100 масс.қ. каучукка >40 масс.қ.) буни яққол кузатиш мумкин.

Резинанинг механик хусусиятларини ифодаловчи физик-механик кўрсаткичлари ҳисобланади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, СКМС-30АРКМ-15 ва СКН-18 каучуклари асосидаги монтмориллонит билан тўлдирилган резинанинг узилишдаги мустахкамлиги (f_p), узилишдаги нисбий чўзилиш ($E_{отн}$) кўрсаткичлари монтмориллонит миқдори 60 масс.қ.гача қўшилганда ортиб бориши кузатилди. Бу ҳолат АКТ-10 қўшилган композицияга нисбатан f_p ва $E_{отн}$ кўрсаткичларининг кескин ўзгаришга олиб келиши аниқланди. Мисол учун, монтмориллонит ва АКТ-10 ни 60 масс.қ. 100 масс.қ. СКМС-30АРКМ-15 ва СКН-18 га қўшилганда мос равишда f_p нинг қиймати 13,9 ва 10,2; 15,1 ва 10,8 МПа гача ортишига олиб келади, айти пайтда тўлдирувчисиз каучук учун ушбу кўрсаткич 1,5 МПа ни ташкил этади. Тўлдирувчи миқдорининг яна оширилиши f_p ва $E_{отн}$ нинг камайишига олиб келади. Бироқ, монтмориллонит киритилишида f_p нинг пасайиши АКТ-10 даги билан солиштирганда камроқ сезилади.

Вулканизатларнинг йиртилиб кетишга бўлган қаршилигини (P_a) ўрганишда тўлдирувчиларнинг таъсирини аниқлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Тўлдирилган эластомер композицияларнинг P_a кўрсаткичи матрицанинг тўлдирувчи билан боғланиши каби бир қатор омиллар билан боғлиқ. Резина таркибига тўлдирувчининг киритилиши йиртилишга қаршилигини сезиларли даражада оширади ва бу ҳолат монтмориллонитда янада яққол кўринади. Бунда СКМС-30АРКМ-15 ва СКН-18 асосидаги эластомер композицияларга уларни қўшилиши (100 масс.ч. каучукга 60 масс.ч.) P_a ни 21% ва 20% га ортишига олиб келади. Шунинг эътиборга олиш лозимки, эластомерларни монтмориллонитлар билан тўлдирилишида резинанинг йиртилишга қаршилиги ортади, бу макрамолекула ва тўлдирувчи ўртасида ҳосил бўладиган адгезион таъсирлашувчи боғларнинг ҳосил бўлиши билан боғлиқ. Бунда юқори зичлигига эга бўлган монтмориллонитнинг майда зарралари катта эҳтимоллик билан матрица бўйлаб бир текисда тақсимланади ва адгезион мустаҳкамликнинг максимал даражада амалга ошишига хизмат қилади.

Тадқиқотлар давомида сиқилишдаги нисбий қолдиқ деформация ($E_{ост}$) ва ўқ бўйлаб сиқилишдаги эркинлик коэффициентининг ($K_{рел}$) тўлдирувчининг таркибдаги миқдорига боғлиқлиги ўрганилди. Барча ўрганилган намуналарда тўлдирувчининг миқдори ортиши билан резинанинг $E_{ост}$ кўрсаткичининг кескин ўзгариши кузатилди. Бунда монтмориллонит билан тўлдирилган резиналарда $E_{ост}$ қиймати каолин билан тўлдирилган эластомер композицияларникига нисбатан камроқ эканлиги аниқланди. Давомий статистик юк таъсирида ёки доимий деформация таъсирида резинада ортиқча деформация тўпланиши ва ҳароратнинг кўтарилиши кузатилди (8-жадвал). Резина маҳсулотлари хоссаларига ўзгарувчан шароитларда юқори барқарорлик талаб этилганда ишлатилишида ҳароратнинг ҳосил бўлиши (ΔQ) ва қолдиқ чўзилиш ($E_{ост}$) муҳим ҳисобланади.

8-жадвал

Композициянинг динамик чидамлилиги

Каучуклар номи	Тўлдиргичлар	Тўлдирувчи миқдори, масс.к.	Иссиқлик ажра-лиши (ΔQ), °C	Қолдиқ чўзилиш ($E_{ост}$), %
СКМС-30АРКМ-15	АКТ-10	20	39	20
		60	46	28
	ММК	20	36	22
		60	41	30
СКН-18	АКТ-10	20	43	38
		60	48	39
	ММК	20	43	36
		60	48	38

Кристалланмайдиган СКМС-30 АРКМ-15 ва СКН-18 каучуклар асосидаги вулканизатларнинг динамик хоссалари таркибига монтмориллонит қўшилиши, каолин билан тўлдирилганидан кўра юқори кўрсаткичларга эга. Тадқиқотлар шунинг кўрсатдики, индивидуал тўлдирилган СКН-3, СКМС-30

АРКМ-15 каучукларининг вулканизатлари хоссалари, уларнинг комбинацияда ишлатилгандагига қараганда фарқланади. Вулканизациянинг бир хилда давомийлиги билан СКМС-30 АРКМ-15 ва СКИ-3 вулканизациясининг S ва Q қийматлари ва уларнинг комбинацияларида қуйидаги кетма-кетликдаги каучуклар нисбатига қараб камаяди $100: 0 > 50:50 > 20:80 > 0: 100$.

Фақатгина эластомер, вулканизация қилувчи восита ва тўлдирувчини ўз ичига олган стандарт рецепт асосида ишлаб чиқилган модел аралашмаларидаги каучукларнинг юқоридаги тадқиқотлари монтмориллонитнинг тўлдирувчи сифатида эластомер композицияларга тўлиқ мослигини кўрсатди.

Маълумки резина қоришмаларининг ишлаб чиқариш таркибида бири-бирдан физик-кимёвий хоссалари ва структураси бўйича фарқ қилувчи ингредиентлардан ташкил топган бўлади. Шу сабабли монтмориллонитнинг ишлаб чиқариш таркибдаги резина қоришмалари ва вулканизатлар хоссаларига таъсири ўрганилди (9-жадвал).

9-жадвал

Қолипланувчи буюмлар ишлаб чиқариш учун резинанинг хоссалари

Кўрсаткичлар номи	10308		9101		8313 А	
	Тўлдиргичлар ва қоришмалар кўрсаткичлари					
	АКТ-10	ММК	АКТ-10	ММК	АКТ-10	ММК
Пластиклиги, нисб.бир.	0,39	0,35	0,43	0,41	0,38	0,38
Кол. модуль, 3/2	3,0	4,0	3,5	4,5	2,8	3,2
f_p , МПа	9,0	14,8	11,0	16,4	9,0	13,8
$E_{отн}$, %	100	210	120	190	500	660
$E_{ост}$, %	10	4	12	6	25	14
Иссиқликдан чиришдан кейин, 373 К, 72 соат:						
f_p , МПа	7,6	13,8	9,2	14,9	8,0	13,2
$E_{отн}$, %	120	250	125	230	450	580
$E_{ост}$, %	6	4	8	3	16	8
Ўиртилишга қаршилик, кН/м	12,4	18,4	13,2	19,6	10,1	15,8
Шор-А бўйича қаттиқлик	54	59	49	52	42	48
Элек. ўтказ..тешиш бўйича, Ом/м	$4 \cdot 10^6$	$8,8 \cdot 10^6$	$2,2 \cdot 10^6$	$7 \cdot 10^6$	$2,8 \cdot 10^6$	$8,7 \cdot 10^6$

^{х)} Резинада тўлдиргичнинг миқдори 10308-80 масс.к; 9101-43 масс.к ; 8313А - 23 масс.к 100 масс.к. каучукга нисбатан.

Ушбу жадвалдан кўришиб турибдики, Қорақалпоғистон монтмориллонитини қўшилган саноат резина қоришмаси хоссаларига бир хил таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, катта миқдордаги монтмориллонитнинг қўшилиши (>40 масс.к. 100 масс.к. каучукга) қоришманинг пластиклиги сезиларли пасайишига ва резина бирикмаларининг қовушқоқлиги ошишига олиб келади ва монтмориллонит билан тўлдирилган каучукларнинг эластик ва мустаҳкамлик хоссалари АКТ-10 қўйилган композит кўрсаткичларига қараганда 1,5-2 баравар юқорилигини исботлади.

Олинган натижаларни, яъни бентонит тупроғидан монтмориллонитни ажратиб олиш технологиясини, уни қўшиб резина-техника буюмлари олиш таркиби ва олиш технологияларини ишлаб чиқаришларга жорий этилди, жумладан «Беруний тальк» МЧЖ, «Тошкент резина» МЧЖ, «Эластомер пластик» МЧЖ, «Биринчи резинатехника» ОАЖ. Ишлаб чиқаришда турли хил резина-техника буюмлари мавжуд технологиялар асосида ишлаб чиқарилган ва тайёр маҳсулотларнинг технологик ва физик-механик хоссалари амалдаги техник ҳужжатлар талабларига тўлиқ жавоб беради. Иқтисодий самара йилига 550 млн сўмни ташкил қилади.

ХУЛОСА

1. Биринчи марта Қорақалпоғистон бентонити тупроғидан монтмориллонитни ажратиб олиш технологияси тавсия этилди. Олинган илмий натижалар, технологик ишланмалар олдиндан берилган хоссага, тузилишга, технологик, физик-механик ва эксплуатацион кўрсаткичларга эга бўлган композицион эластомер материаллар яратишга асос бўлди.

2. Қорақалпоғистон бентонити лойи ва ундан ажратиб олинган монтмориллонитнинг физик-кимёвий хоссалари ва структура тузилиш аниқланиб, ажратиш технологик жараёнида теплофизик таъсирлар асосида монтмориллонитни структурасиний ўзгаришга олиб келиши хусусан, мой шимиши, заррачаларнинг майдалигини ва геометрик юзасини ошиши эластомер-тўлдирувчи орасидаги боғланиш хусусиятларини баҳолаш учун асос бўлиши кўрсатилди.

3. Монтмориллонитнинг структуравий ва адсорбцион фаоллиги ва олинган эластомерик композицияларнинг технологик ва физик-механик хоссалари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланиб, ҳар хил каучуклар макромолекулаларининг унинг нанозаррачалари билан ўзаро таъсири хусусиятлари тавсия этилди.

4. Монтмориллонитни эластомерларга аралаштириш технологик жараёни ва унинг бошқа ингредиентлар билан комбинацияси аниқланди ва улар асосида тўлдирилган эластомер композицияларнинг технологик ва реологик хусусиятларини такомиллаштириш тавсия этилди.

5. Тўлдирилган вулканизатларнинг физик-механик хоссалари кўриб чиқилиб, монтмориллонит кристалланмайдиган каучукларда самарали таъсир кўрсатиши аниқланди.

6. Монтмориллонитни қўллаб композицион эластомер материаллар ва улар асосида ҳар хил шароитларда ишлатилувчи армирланган ва армирланмаган резина-техника буюмлари олиш таркиблари ва технологиялари тавсия этилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**КАРАКАЛПАКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ
ИНСТИТУТ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК**

МУФТУЛЛАЕВА МАРЗИЯ БЕГДУЛЛАЕВНА

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ ЭЛАСТОМЕРНЫХ
КОМПОЗИЦИЙ И РЕЗИНОТЕХНИЧЕСКИХ ИЗДЕЛИЙ НА ОСНОВЕ
ДОБАВЛЕНИЯ НАНОЧАСТИЦ МОНТМОРИЛЛОНИТА
КАРАКАЛПАКСТАНА**

02.00.14-Технология органических веществ и материалов на их основе.
02.00.13- Технология неорганических веществ и материалов на их основе.

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2020.2.phd/T1403

Диссертация выполнено в Каракалпакский научно-исследовательский институт естественных наук

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.tkti.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научные руководители:

Ибадуллаев Ахмаджон Собирович
доктор технических наук, профессор

Искендеров Ахмед Максетаевич
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Юнусов Мирджалил Юсупович
доктор технических наук, профессор

Аминов Шухрат Сиддиқович
кандидат технических наук

Ведущая организация:

Ташкентский государственный технический университет им. И. Каримова

Защита диссертации состоится «24» 11 2021 г. в «9⁰⁰» часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21; факс: (99871) 244-79-17; e-mail:tkti_info@mail.ru.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института по адресу: (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.:(99871)244-79-21.

Автореферат диссертации разослан «11» 11 2021 года.
(протокол рассылки № 11 2021 г.).



С.М. Туробжонов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор.

Х.И. Кадыров

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н. доцент

Т.Р. Рахмонбердиев

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире, для улучшения технологических, физико-механических, динамических и специальных свойств, а также снижения себестоимости, за счёт увеличения объёма, композиционных эластомерных материалов и получаемых изделий на их основе, используются минеральные наполнители. Вместе с этим, созданию минеральных наполнителей, улучшающих технологические свойства композиций на основе высокомолекулярных соединений, а также получение изделия с заранее заданными структурами, физико-механическими, динамическими и специальными свойствами на их основе, является актуальной задачей.

В мире ведутся научные исследования по созданию природных и синтетических ингредиентов для композиционных материалов на основе высокомолекулярных соединений и разработке технологий их получения. При этом особое внимание уделяется модификации основных ингредиентов, производству на основе заранее заданным требованиям высокопрочных, агрессивных и износостойких изделий для использования в различных условиях, методов их получения, а также составов композиций и технологий на их основе.

В последние годы в нашей республике в целях обеспечения химической, автомобильной, металлургической, строительной, пищевой промышленности и сельскохозяйственной техники органическими неметаллическими продуктами и изделиями запустили производство полиэтилена на Шуртанском газохимическом комплексе, производство полипропилена «Uz-Kor Gas Chemical», ООО «Биринчи резина-техника заводи», а также осуществляется комплекс работ по увеличению производимых продуктов, усовершенствованию технологических процессов, повышению количества и качества производимых продуктов и созданию новых серьевого источников. Стратегией действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определена задача «разработка технологии получения импорт заменяющих изделий на основе местных и вторичных сырьевых ресурсов»¹. В этом аспекте проведение научно-исследовательских работ по разработке технологии получения монтмороллинонита из глины Каракалпакского бентонита и созданию композиционных органических материалов и изделий с его применением, а также технологий их получения, имеет важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных поставленных Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-2298 от 11 февраля 2017 года «О программе локализации производства готовой продукции, комплектующих изделий и материалов», № ПП-4891 от 6 апреля 2017 года «Критический ана-

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

лиз производства и состава товаров (работ, услуг), углублении локализации производств направленных на импортозамещение» и Указах УП № 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП №2916 от 21 апреля 2017 года «О мерах по кардинальному совершенствованию и развитию системы обращения с отходами на 2017-2021 годы», а также в других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике. VII. «Химическая технология и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. По созданию технологий получения композиций на основе высокомолекулярных соединений и для них минеральных наполнителей занимались Г.С.Кац, Дж.Краус, А.А.Донцов, Б.А.Догадкин, А.А.Берлин, Ф.Ф.Кошелев, А.Е.Корнев, А.М.Буканов, М.Л.Уральский, Б.Е.Гуль, Ю.С.Липатов, А.М.Смирнова, Ю.С.Зуев, В.М.Гончаров, П.В.Ракова, Л.Б.Коварская, А.Г.Шварц, Г.А.Сорокин, Н.Д.Захаров, Г.А.Блох, Д.Н.Мак-Келви, С.С.Негматов, А.Х.Юсупбеков, А.С.Ибадуллаев, Э.У.Тешабаева и другие.

Ими разработаны вулканизирующие агенты, пастификаторы активаторы, стабилизаторы, красители, наполнители, их модификация состояния для композиций на основе органических материалов, а также внедрены технологии по получению армированных и неармированных изделий высокой прочности с использованием этих ингредиентов, для использования в различных условиях.

Вместе с этим, ведутся научные работы по созданию нового поколения органических и неорганических наполнителей для композиций на основе органических материалов, а также разработке методов получения на основе разработанных композиций армированных и неармированных изделий со специальными свойствами, используемых в химической, автомобильной, авиационной, текстильной, металлургической и пищевой промышленности.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного и научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках прикладных проектов Каракалпакского филиала Академии Наук Республики Узбекистан и Ташкентского химико-технологического института № А-12-41 41 «Разработка состава и технологии получения термостойких композиционных материалов на основе местных и вторичных сырьевых ресурсов, обеспечивающих энерго- и ресурсосбережения» (2012-2014 гг.), № А-12-37 «Разработка состава и технологии получения наполненных композиционных эластомерных материалов с вторичными материалами и получения со специальными свойствами резинотехнических изделий и кабеля на их основе» (2015-2017 гг.) и № ПЗ-201709286 «Создание технологий получения

вулканизирующих ускорителей эластомеров на основе местного сырья» (2018-2020 гг.).

